Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 4 ОКТЯБРЬ. ШАНБА №78 (5.849). Сотувда эркин нархда

## АСАКА ТУМАНИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Пахта тайёрлаш йиллик режасини биринчилар қаторида бажарганингиз билан самимий табриклайман.

Сизларнинг бу муваффақиятингиз туманда, энг аввало, ерга ва деҳқон меҳнатига янгича муносабатлар тобора мустаҳкам қарор топаётганидан далолат. Янгиликка, янгича яшашга интилганнинг ҳамиша юзи ёруғ, ошиғи олчи, жойи эса доимо давранинг олдида бўлади.

Бу ҳаётий ҳақиқатни сиз ўз фидойилигингиз билан яна бир бор исбот этдингиз. Замонавий технологияни жорий этиш, агротехника қоидаларига жиддий эътибор, чигитни плёнка остига экиш тажрибаси, эртапишар уруғ навларини яратиш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш туфайли туман пахтакорлари бир неча йилдан буён пешқадамлар сафидан ўрин олиб келишмоқда.

Сизларнинг ҳосилдорликни 40 центнерга етказишдек покиза ниятингиз замирида замонамизга хос меҳнат самараларидан манфаатдорлик ва қатъий ишонч мужассам.

Саъйи ҳаракатларингизга барака, ўзингизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик тилайман.

Сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Р. М. Қосимжоновга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Машрукович Қосимжоновга «Узбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 2 октябрь

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ ЁШ ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Ватан шарафини жаҳонга ёяётган ёш спортчилар ҳам шулар сирасига киради. Президент Ислом Каримовнинг Фармонига биноан ёш шахматчи Рустам Қосимжонов «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. У бу мукофотга шахмат бўйича Халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритгани, кўпгина жаҳон ва қитъа биринчиликларида Ватанимиз шарафини муваффақият билан ҳимоя қилгани учун сазовор бўлди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида ана шу мукофотни топшириш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ўқиб эшиттирди ва ёш спортчига юксак мукофотни топширди.

Президентимиз 1994 йилда Рустамга компьютер ҳадя этган эди. Шахматчининг спортдаги янги улкан ютуқлари инобатга олиниб у янада мукаммал компьютер билан мукофотланди. Йўлбошчимизнинг бу туҳфасини Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев топширди.

Маросимда Р. Қосимжонов сўзга чиқиб, унинг спортдаги муваффақиятлари юксак қадрланаётгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди, Ватанимиз шарафини янада юксалтиришга ўзимнинг бор куч-ғайратимни сарфлайман, деб ишонтирди.

Тантанали маросимда миллий олимпия қўмитаси раиси С. Рўзиев, давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов қатнашди.

**(ЎзА).**



## ЯНГИЛИККА ИНТИЛГАННИНГ ҲАМИША ЮЗИ ЁРУҒ

Асакаликлар учун катта шодиёна, тантана. Республикамиз Президенти Ислом Каримов туман меҳнаткашларига табрик йўллаб, уларни йиллик пахта тайёрлаш режасини мамлакатда биринчилар қатори бажарганлиги билан самимий табриклагани беҳад қувонтирди. Табрикда энг аввало ерга ва деҳқон меҳнатига янгича муносабатлар тобора мустаҳкам қарор топаётгани, янгиликка, янгича яшашга интилганнинг ҳамиша юзи ёруғ, ошиғи олчи, жойи эса доимо давранинг олдида бўлиши алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Албатта, замонавий технологияни жорий этиш, агротехника қоидаларига жиддий эътибор бериш, чигитни плёнка остига экиш тажрибаси, эртапишар уруғ навларини яратиш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш туфайли туман пахтакорлари бир неча йилдан буён пешқадамлар сафида бўлмоқдалар.

Биз катта меҳнат ғалабаси билан қутлаш учун Асака тумани ҳокими Тиловолди ака Ёқубов ҳузурига бордик. Ҳа, туман меҳнаткашлари пахтачилик ва ғаллачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратдилар. Жорий йил ҳосили учун 5425 гектар майдонга чигит экилган эди. Шундан 4752 гектарига эса чигитни плёнка остига экилганлиги айниқса қўл келди. Туман меҳнаткашлари йиллик режани барвақт уддаладилар. Ҳозир далаларда ҳосил мўл, пахтакорнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳар куни туман бўйича 250-260 тоннадан пахта терилмоқда.

Шу кунгача давлатга сотилаётган пахтанинг 100 фоизи биринчи навга топширилди. Ундан ташқари келгуси йил ҳосили учун 4720 тонна уруғлик жамғарилиб, белгиланган режа 102 фоизга уддаланди.

Асака тумани хўжаликлари доимо илғорлар сафида боришга одатланган. «Навбаҳор» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари сентябрь ойининг биринчи ярмидаёқ вилоятда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини уддалаган эдилар. Бугунга келиб «Навбаҳор» жамоа хўжалиги азаматлари йиллик режаларини бир юз йигирма уч фоиздан оширибдилар. «Наврўз», «Узбекистон мустақиллиги», Ғулом Ёқубов номли жамоа хўжаликлари пахтакорлари ғалабага муносиб улушларини қўшдилар.

«Навбаҳор» жамоа хўжалигидаги Қурбон Сиддиқов бошлиқ бригада азаматлари йиллик режаларини 156 фоизга, Ёқубжон Маткаримов бригадаси 142 фоизга, Ғулом Ёқубов номли жамоа хўжалигидаги Икром Абдуллаев бошлиқ бригада заршунослари 135 фоизга, «Узбекистон мустақиллиги» жамоа хўжалигидаги Абдужалил Парпиев бошлиқ бригада аъзолари 135 фоизга, «Наврўз» жамоа хўжалигидаги Яҳёмирза Ҳамидов бошлиқ бригада миришкорлари 131 фоизга уддалаб, пешқадамлар сафида бормоқдалар.

Республика ҳукуматининг 1997 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш борасидаги қарорига амал қилган ҳолда қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун 3,5 сўмдан ҳақ тўлангани катта рағбат бўлди.

Асакаликлар мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришишига ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Улар жорий йилда ҳар гектаридан 75 центнердан ғалла етиштириб, илғорлик шуҳратини оширдилар. Бугун ғаллакорлар келгуси йил ҳосили учун барака уруғини қадашмоқда Ҳадемай 5386 гектар майдонга ғалла экиб бўлинади. Келгуси йили ҳар гектардан 80 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган.

Инсон манфаатлари йилида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, ободонлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш борасида туманда муҳим қадамлар қўйилмоқда. Шу йилнинг ўзида 17,5 километр газ, 6,9 километр ичимлик суви қувурлари ётқизилди. 29560 квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. 220 ўринли замонавий янги мактаб ўқувчиларни бағрига олди.

Асакаликларнинг сўзлари қатъий, ниятлари покиза. Улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, умумий хирмон миқдорини 21,7 минг тоннага етказишга бел боғлаганлар. Хирмонларингизга барака кираверсин, асакалик бободеҳқонлар!

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

* * *

**СУРАТДА: туман ҳокими Тиловолди Ёқубовни эришилган ғалаба билан қутлашмоқда.**

## ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНГА БОҒ ХАЗИНА

Шу кунларда боғбон ва соҳибкорларнинг эътибори катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, тўла йиғиштириб олиб, сараланган кузги мева-узумни қиш ойларида яхшилаб сақлаш, халқимизни ноз-неъматга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга қаратилган. Шу билан бирга боғ-токзорларда куз ойларида келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш зарур. Бунга эришиш эса кузги юмушларни яхши муддатларда ва сифатли ўтказишни таъминлашга боғлиқ.

Об-ҳавонинг қулай келиши, боғбон-соҳибкорларнинг астойдил ҳаракати туфайли бу йил кўпгина туман ва хўжаликларда мевазор, узумзорларда мўл ҳосил етиштирилди. Энди шу етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай ҳар бир хўжаликда халқ усулида мева-узум сақлашга эътиборни қаратиш керак.

Мева-токзорларда кузги агротехника ва ташкилий ишларни вақтида юқори сифатда ўтишини таъминлаш ғоят муҳим тадбир ҳисобланади.

Тупроқни ишлаш, юмшатиш, ток, анор, анжир кўмиладиган жойларда токни кесиш, шакл бериш, қўндоқлаш, дорилаш, кузда, қишда суғориш муҳим аҳамиятта эга. Шунингдек, боғларда қуриган, синган, касалланган ортиқча новдалар кесиб ташланса, боғ ўғитланиб, тупроқ чуқур ишланса, пуштаси юмшатилса, зараркунанда ва касалликларга қарши курашилса, тупроқда етарли нам йиғилса келгуси йили олинадиган ҳосил камида 35-40 фоиз юқори бўлади. Мева-узум яхши нархларда сотилади. Натижада соҳадан келадиган даромад кескин ортади. Бу эса хўжаликнинг молиявий аҳволини яхшилайди, соҳага бўлган қизиқиш ҳам ортади.

Етиштирилаётган ноз-неъматнинг экологик тоза бўлиши ғоят муҳимдир. Бунга эришиш учун боғ қатор ораларига кузда сидерал ўт уруғини сепиб, суғориб, қишки вегетация даврида гектарига 50-60 кг азот ўғити берилиши даркор. Баҳор ойида ўтлар қийғос гуллаганда КИР мосламаси билан майдалаб, ерда қолдирилса, сўнг замин чуқур ҳайдалса, улар аста-секин чириб табиий ўғитга айланади. Бундай ўғит таркибида ҳар гектар тупроқ қатламида 150—180 кг табиий азот, 60—80 кг соф фосфор, 20—30 кг табиий калий ва табиий микро озиқа моддалари тўпланади. Бундай боғларда тупроқ ҳолати яхшиланади, ўсимлик соғлом ўсади, меваси йирик, рангдор, экологик тоза етишади. Меваси яхши сақланади. Ортиқча минерал, азот, фосфор, калий ўғитлари беришга ҳожат қолмайди. Маҳсулотнинг таннархи арзонлашади.

Кўп йиллик илмий тадқиқотлардан маълум бўлишича, боғ-токзорлар қатор орасида кузги шудгор ўтказишнинг энг яхши даври октябрь-ноябрь ойларидир. Бу пайтда тупроқ ҳарорати ер юзасига нисбатан бирмунча иссиқроқ бўлиб, илдиз тизими ўз фаолиятини давом эттираётган палла ҳисобланади.

Ҳар гектар ердан тўла ва унумли фойдаланиш учун боғ-токзорлар меъёрий қалинликда бўлиши керак. Об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, куз ойларида ёш боғ-токзорларда хато ўринларига асл навдан бақувват ўсган, шаклланган мева, ток кўчатлари экилади. Улар қиш ва баҳор ойларида махсус парваришланади, озиқа солинади, суғорилади, шакл берилади.

Хато ўринларига экилган ток кўчати ҳам кўмиладиган ҳудудларда кузда усти беркитилади, кўмилади. Ёки хашак, ўт-ўланлар, ток рудаси билан ёпиб қўйилади. Кўчатлар йил давомида махсус парваришланиб боғ-токзорлар тўла қалинликда бўлиши таъминланиши лозим. Эски, сийраклашган, аралаш навли, ҳосилдан қолган боғлар, токзорлар аниқланиб, таъмирланади.

Одатда ҳосилга кирган, совуққа чидамли олма, нок, беҳи ва олхўри каби мевали дарахтларни буташ, шакл беришни, қиши илиқ жойларда ноябрь ойида, барглар хазонрезги бўлганда бошлаш мумкин.

### *Тажриба, таҳлил, таклиф*

Синган, касалланган шох-шаббалар, ҳаддан ташқари соя-салқин туширадиган рақиб, ортиқча шох ва новдалар, илдиз атрофидан ўсган ўсимталар ток қайчилари ёрдамида тупда тўнкачалар қолдирмай, она шох таналарига тақаб кесиб ташланади. Узунлиги 40—60 см дан ошган серўсимли, кераксиз новдаларни ҳам 35—45 см узунликда қолдириб кесилади. Шунда дарахт танасининг яхши шаклланиши, ўсиши таъминланади.

Ток кузда кўмилса, хўраки навларда 2—3 яшарли занг қолдириш керак. Суғориладиган ҳудудларда, симбағазда ўстирилган ток тупида 200—250 тагача куртак кўз қолдирилади. Катта ишком ва сўриларда ҳосилга тўлиқ кирган ҳар бир ток тупида, ўсиш кучига, навнинг талабига қараб 300—500 тагача куртак кўз қолдирилади. Кучсиз ўсган ток тупида эса 150—200 тагача куртак қолдирилади. Ток тупларини қирқиш, кўмиш ва баҳорда очишда қисман куртак ва новдаларнинг зарарланишини ҳисобга олиб, ҳар бир ток тупида 10—15 фоиз куртаклар қўшимча сақланади. Вегетация даврида шу узумзорларда яхши парвариш ўтказилса, гектаридан навига қараб 120—160 центнердан ҳосил олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида қишда қаттиқ совуқ бўлиши натижасида тупроқ қатламининг музлаш хавфи бор. Бунинг олдини олиш учун ток тупларини қишга яхшилаб кўмиш жоиз. Бундай ҳудудларда мева ва ток тупларининг илдиз тизимини совуқ уришдан сақлашда ҳосилдор боғ қатор орасига кузда етарли органик-минерал ўғитлар бериш, ерни ўз вақтида шудгорлаб қўйиш, сидерал ўт экиш катта аҳамиятта эгадир.

Республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида, жанубий минтақаларда ва айрим жойларда қишга кўмилмайдиган узумзорлар мавжуд. Ҳосилдор куртаклар совуқ 18—20 даражадан ошса кучли зарарланади. Бунинг олдини олиш учун ток занги ва новдалари симбағазларда бўлса, ундан бўшатилиб, ерга тушириб ётқизиб қўйилади. Қиш фаслида қалин қор тагида қолган новдалардаги куртаклар тўлиқ сақланади. Шу билан бирга қалин қор қатлами ерга ётқизилган занг ва новдаларни совуқдан сақлайди. Қишда ҳавонинг совуқлиги 16—18 даражадан ошадиган жойларда ток, анор, анжирни кузда кўмиш мақсадга мувофиқ.

Анжир новдасининг ички қисми пўкак бўлиб, намликни ёқтирмайди. Агар нам кўпайиб кетса, новдалар намни кўп сингдириб олади, қаттиқ совуқда новда кучли музлайди ва зарарланиб, баҳорда кунлар исиши билан новдалар қорайиб, қурийди. Шунинг учун анжир тупларининг тагига шох ташлаб сўнг кўмиш ва захлатишга йўл қўймаслик зарур.

Қулупнай экилган боғлар майдони ҳам кейинги йилларда бирмунча кенгайди. Бундай боғларнинг илдиз қисми ер юзасига яқин жойлашганини ҳисобга олиб, ундан келгуси йилда юқори ҳосил олиш кўп жиҳатдан кузда ўтказиладиган парваришга боғлиқ. Гектарига 15—20 тонна органик ўғитга 80—100 кг фосфор (аммофос) ва калий ўғитларини омихта қилиб, интенсив боғларга, қулупнайзорларга 25—30 см чуқурликка солиш, тупроқни ишлаш, юмшатиш тавсия этилади. Биринчидан, бу тадбир интенсив боғларни, қулупнай кўчатларини совуқдан сақлайди, ер унумдорлигини оширади. Кузда шундай боғ ва қулупнайзорлар камида бир маротаба мириктириб суғорилиши даркор. Хатосига кузда бақувват ўсган кўчатларни ўз тупроғи билан экиш яхши натижа беради.

Данакли боғлар уч фоизли бордо суюқлиги билан (100 литр сувга) 3 кг мис купороси ва шунча оҳак қўшиб ишланади. Токзорларда ток тупларини кесиб, қўндоқлаб, ерга ётқизилгач, кўмишдан олдин кул касаллигига қарши 5 даражали ИСР суюқлиги сепилади.

Антракноз касаллиги билан зарарланган токзорлар 2 фоизли (гектарига 30 гр ҳисобида) ёки 3—4 фоизли бордо суюқлиги билан ишланади. Антракноз билан кучли зарарланган ток новдалари кузда кесилиб, четта олиб чиқиб ёқиб юборилади.

Боғ ва токзорларни ўғитлашда, хўжалик ва хонадонларда тўпланган органик ўғит (гўнг)ларга фосфор ўғити аралаштириб, компост тайёрланади. Бундай компост ўғити тупроқ унумдорлигини оширади. Лекин кўпгина боғ ва токзорларга етарли органик, минерал ўғитлар берилмаётир. Шунинг оқибатида тупроқ қатламларида ўсимликлар учун зарур бўлган озиқа моддалар — азот, фосфор, чиринди ва калий йил сайин камайиб бормоқда. Ҳосилдор боғ ва узумзорларимиз 1—2 та сув бериш билан қолиб кетмоқда. Натижада ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати паст бўлмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

## ХИРМОНГА БАРАКА

**РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997 ЙИЛ 3 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН**

### МАЪЛУМОТ

**(фоиз ҳисобида)**

| Вилоятлар | Бир кунда | Мавсум бошидан буён |
|---|---|---|
| Хоразм | 1,82 | 87,84 |
| Андижон | 1,92 | 78,00 |
| Фарғона | 2,25 | 62,46 |
| Сурхондарё | 1,41 | 59,75 |
| Қашқадарё | 2,79 | 57,67 |
| Самарқанд | 2,62 | 54,01 |
| Наманган | 2,51 | 53,74 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,72 | 51,96 |
| Бухоро | 2,05 | 50,58 |
| Навоий | 2,44 | 42,45 |
| Тошкент | 2,43 | 33,61 |
| Сирдарё | 1,94 | 33,52 |
| Жиззах | 1,84 | 26,48 |
| Республика бўйича | 2,12 | 54,31 |
| 1996 йилда | 1,70 | 46,82 |

**ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА**

**(тонна ҳисобида)**

| | | |
|---|---|---|
| Сурхондарё | 1572 | 46466 |
| Қашқадарё | 439 | 4918 |
| Республика бўйича | 2011 | 51384 |
| 1996 йилда | 1441 | 26097 |

## МАШИНА ТЕРИМИ БАРАКАСИ

**НАМАНГАН. Машина терими — иш унуми. Зангори кемалар жавлон уриб ишласа оқ олтин теримига барака киради. Буни яхши билган Норин тумани деҳқонлари ҳар дақиқани ғанимат билиб, пахта териш машинасидан унумли фойдаланмоқдалар. Айни кунларда туман далаларида 40 дан зиёд терим машинаси ишлатилмоқда. Улар ёрдамида кунига 200 тоннадан ортиқ пахта териб олинмоқда.**

**Биргина «Хўжаобод» хўжалигидаги Абдулла Рўзибоев бошчилик қилаётган бригадада уч кун ичида 50 тоннадан ортиқ пахта териб, хирмонга уйилди. Бу йиллик топшириқнинг ярмисига тенг. Айни кунларда миришкор теримчилар, азамат механизаторлар оқ олтиннинг бир мисқолини ҳам ёғинсочинли кунга қолдирмай йиғиб-териб олишга ҳаракат қилмоқдалар.**

## ОМАДЛИ ХЎЖАЛИК

**Ярми тошлиқ, ярми шўр ерларда деҳқончилик қилган Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари куни кеча вилоятда иккинчи бўлиб пахта топшириш йиллик режасини муддатидан илгари ошириб бажарди. 691 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,8 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Қабул пунктларига 2220 тонна сифатли саноат хом ашёси топширилди. Ҳосилнинг 732 тоннаси юқори навли уруғликка қабул қилинди. Хўжаликдаги 18 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси юксак марраны эгаллади. Айни кунларда мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Х. Тўхтасинов, А. Камолов, Р. Қаҳҳорова, З. Сиддиқова ва У. Каримов каби бригада жамоалари юксак хирмонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.**

Р. МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

## МУШТАРИЙЛАРИМИЗ САФИГА ҚЎШИЛИНГ

### *«Обуна-98»*

**Қадрли муштарийларимиз!**

1997 йил 2 октябрдан бошлаб Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлинмаларида барча газета ва журналлар қаторида «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна расмийлаштириш бошланди. Обуна бўлиш чакана савдода харид қилишга нисбатан қулайлиги, иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки обуна бўлсангиз, газетамиз хонадонингизга мунтазам етказиб берилади.

Бу йил обуна баҳосини белгилашда худди ўтган йилгидек табақалаштирилган усулдан фойдаланилди. «Қишлоқ ҳаёти» газетасига таҳририят, қоғоз, бўёқ, босмахона ва бошқа харажатларни қоплаш учун қуйидаги миқдордаги маблағлар белгиланди:

**— Хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар учун — 12 ойга 1092 сўм; олти ойга — 546 сўм.**

**— Якка тартибдаги обуначилар учун — 12 ойга 876 сўм, олти ойга — 438 сўм.**

**Буларга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бирида газета-журналларни ташиш, тарқатишда турлича миқдорда сарф-харажатлар кетишидан келиб чиққан ҳолда уларни қоплайдиган маблағлар қўшилиб, якуний обуна баҳоси чиқарилади.**

Хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар учун индекс — 145.

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун индекс — 144.

# УСТОЗНИ ЭЪЗОЗЛАГАН САОДАТГА ЭРИШУР

### *Билимдон ёшлар — Истиқлол таянчи*

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат еrости ва ер усти табиий бойликлари, ҳарбий қудрати, ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Республика Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси ҳужжатларида таъкидланган ана шу сўзларда олам-олам маъно бор. Ҳукуматимиз раҳбарияти истиқлол йўлидаги биринчи қадамларданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш, янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш масалаларига беқиёс аҳамият бериб келмоқда. Зеро, баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, деб бежиз айтилмаяпти.

Ютуқлар аниқ-равшан кўзга ташланаяпти. Бироқ сессияда адолатли тарзда эътироф этилганидек, ҳали биз шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан, сарқитлардан тўлиқ қутулганимиз йўқ. Шу боис ўта муҳим масалада олдимизда жуда кўп вазифалар турибди.

Ангор туманида 40 та мактаб бор. Шулардан 25 таси замонавийдир. Уларга 21 минг нафар ўқувчи жалб этилган. Ўқитувчилар сони эса 1700 дан ошади. Олий маълумотли педагогларимиз 1200 нафар. Улар ўқувчиларга замонавий билим бериш масъулиятини чуқур ҳис қилмоқдалар. Бунга эришиш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай кучли билимга эга бўлиши зарур. Фикримизча, бу масаланинг бир томони. Шу билан бирга ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларнинг касбидан мамнун бўлишларини таъминлашга эришишимиз керак.

Тумандаги 3-мактабда минг нафарга яқин ёшлар ўқишади. Ўз касбини жон-дилдан севувчи, билими кучли ўқитувчилар ҳар томонлама пухта билим беришга эришмоқдалар. Ўқувчилар компьютерларни ўрганишга астойдил интилмоқдалар. Турли тўгараклар, фан кабинетлари, амалий машғулотлар ёшлар билимини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Шу ўринда 28-мактаб ўқитувчилари фаолияти ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Биология ўқитувчиси Музаффар Чоршанбиевнинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Кучли билим, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган бу мураббий ўз фанига нисбатан барчада катта қизиқиш уйғота олди. Дарсларни ўтишда илғор усул ва услублардан, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланади. Шу боис мазкур мактаб ўқувчилари биология бўйича ўтказилаётган республика олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда.

Яна бир илғор илм маскани — 5-мактабда эса ижтимоий фанларни намунали ўқитиш юзасидан бой тажриба тўпланган. Моҳир педагог Нормўмин Нормуродовнинг бой тажрибаси ёш муаллимларга қўл келмоқда. Туман халқ таълими бўлими (мудири Гулмурод Аҳмадов) ибратли фаолият юритаётган ўқитувчилар бой тажрибаларини оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда номлари кўпчиликка таниш бўлган Шавкат Омониёзов, Музаффар Чориев, Шариф Қаранов кабилар таълим-тарбия ишларини намунали йўлга қўйишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги кунда мактаб жамоаларининг ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлаш масаласи ҳам диққат марказидадир. Қарангки, изласанг имконият ҳам топиларкан. Масалан, 28-мактаб яхшигина тажриба участкасига эга. Ёш деҳқонлар сидқидил меҳнат қилиб деҳқончилик илми сирларидан воқиф бўлишмоқда. Қолаверса, сидқидил меҳнат уларни ота-боболарининг касб-корига садоқат, одамохун, меҳнатсевар инсонлар бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлаяпти. Ўқувчилар тажриба участкаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан баракали ҳосил етиштириб, яхшигина даромад қилишди. Шу йўл билан мавжуд 40 та мактаб ўз маблағи ҳисобидан таъмирлаш ишларини амалга оширди. Умуман, илм масканлари 1 миллион сўмдан ортиқ пул ишлаб топишди. Лекин бу ҳали яхши ишнинг бошланиши, холос.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси ҳужжатлари жамоаларда кенг тарғиб қилинганлиги ўз самарасини бераётир. Мактабларни оталиққа олувчилар сони кўпаймоқда. Жумладан, «Новшаҳар» жамоа хўжалиги раҳбарияти ғалладан бўшаган ерларни чигит экиб, пахта етиштириш учун бир неча мактабларга бўлиб берди. Ўз-ўзидан ташаббус шарофати билан яхши даромад олинади. Шу ўринда беихтиёр таълим-тарбия ишларини шу кун талаблари даражасига кўтариш йўлида қилинган республика миқёсидаги кенг кўламли ишларни хаёлдан ўтказасан киши. Хусусан, «Таълим ҳақида» Қонун қабул қилинди. 1996—1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди. Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди. Жойларда ўқитувчи, мураббийларга, уларни моддий маънавий рағбатлантириш мақсадларига эътибор кучайтирилди.

Энди туманимиздаги ўзгаришларга эътиборни қаратайлик. Ҳозирда бизда иккита лицей, иккита ҳунар билим юрти, тасвирий санъат билим юрти фаолият юритаяпти. Педагогика билим юртида иқтидорли кадрлар тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. Мактабга, ўқитувчига ҳукуматимиз меҳрибонлигини ҳамма қалбдан ҳис қилмоқда. Кишини руҳлантирадиган нарса шуки, бир вақтлар турли сабаблар билан бошқа соҳага ишга ўтган маорифчилардан 20 нафари яна қадрдон мактабларига қайтдилар. Ақлли кишилар маслаҳатига амал қилиб, кучли муаллим ҳисобланган, бироқ ҳозирда пенсияда бўлганларни ҳам илм масканларига таклиф этдик. Буларнинг ҳаммаси ёшларга таълим-тарбия бериш ишлари жонланишида муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳаммасини билимдон, эътиқодли кадрлар ҳал қилади. Икки йил ичида туманимизга 100 га яқин ўқитувчилар ишга келишди. Очиқ айтиш керак, бахтга қарши уларнинг 30 фоизи бизни қаноатлантирмайди. Хорижий тилларни ўргатадиган 60 нафарга яқин муаллим бор. Бу ниҳоятда кам. Айниқса инглиз тили ўқитувчиларига муҳтожлик сезилмоқда. Муаммони ўзимиз ҳал этиш пайида бўлаяпмиз.

Таълим-тарбия ишлари учун мактабларда қулай шароитлар яратиш бош вазифаларимиздан биридир. Ҳозирча мактабларимизнинг 70 фоизи газлашган. Қўзи Тўлапов номли, «Новшаҳар» хўжаликлари ҳудудидаги мактабларни газлаштириш ҳаракати бошлаб юборилган. Уйларига «зангори олов» етиб бормаган ўқитувчиларга 1 тоннадан бепул кўмир ажратдик.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни баён этсам. Таълим дарсликдан бошланади. Олий Мажлис сессиясида аччиқ бўлса ҳам жуда тўғри таъкидланди: деярли барча соҳаларда дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун даражасида эмас. Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак. Бас, шундай экан, ҳар бир соҳа бўйича дарсликни ўша фаннинг энг атоқли вакиллари ёзишлари керак.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика халқ таълими тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бу ҳам соҳа кишиларига кўрсатилаётган беқиёс эътиборнинг амалдаги яна бир кўринишидир. Дилдаги гап шуки, миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олсин!

Мамлакатимиз Президентининг 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси маърифат аҳлига йўллаган табриги барчани беғоят тўлқинлантириб юборди. Табрикномадаги «Муаллим — миллатнинг юзи. Ватан истиқболининг асл бунёдкори. Эртанги кунимиз, барча соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар тақдири, қолаверса, мамлакатимиз тақдири Сизнинг қўлингизда» деган сатрлар ҳар бир ўқитувчи, мураббийнинг қалбидан чуқур жой олди, уларни янада зўр иштиёқ билан меҳнат қилишга чорлади.

**Рашид ЭШБОЕВ,**
**Ангор тумани ҳокими.**

### *Бугун барча пахтакор хизматида*

## ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР УЛУШИ

**Жиззах туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг Ҳусан Холйигитов бошлиқ бригадаси деҳқонлари биринчи теримдаёқ ғалабани қўлга киритдилар. Мавжуд 32 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Давлатга 81 тонна юқори сифатли пахта етказиб берилди.**

**Йиллик топшириқнинг муддатидан олдин бажарилишида Матлуба Холйигитова, Анора Расулова сингари чевар теримчиларнинг ҳиссалари катта бўлди. Уларнинг ҳар бири кунига 130—150 килограммдан пахта теришяпти.**

**— Топшириқни бажардик, — дейди бригада бошлиғи Ҳусан Холйигитов. — Ҳали далаларимизда ҳосил чўғи баланд. Самарали меҳнатимиз маҳсули бўлган пахтамизнинг бир чаноғини ҳам қолдирмай териб оламиз. Ҳосилдорликни 30 центнердан ошириш учун ғайратга ғайрат қўшиб ишлаяпмиз.**

**Жиззах туманида пахта терими кундан-кунга қизияпти. Оммавий сафарбарлик кучаймоқда. Тайёрлов шохобчаларига келаётган ҳосил карвонлари шундан далолат беради. Туман ҳокимлиги қошида ташкил этилган пахта штабидан олинган хабарларда шу нарса ўз аксини топган.**

**Мазкур туманнинг Ш. Рашидов номли хўжалиги бу йил 3100 тонна пахта хирмони бунёд этади. Ҳозирдаёқ йиллик режанинг 4—5 фоизидан ошириб пахта топширилмоқда. Пахта чамандек очилган Омон Исломов, Қодир Қўшбоқов, Норқўзи Бозоров бошлиқ бригадаларда суръат кундан-кунга кўтариляпти. Бу жамоалар биринчи теримнинг ўзидаёқ йиллик топшириқни бажаришиб, янги довонларни эгаллаш учун астойдил интилмоқдалар.**

**Т. СОЙНАЗАРОВ.**



**Ўрта Чирчиқ туманида ҳар йили пахта йиғим-теримини нуроний отахонлар бошлаб бериши одатга айланган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Хўжаликларда қариялар пахтазорларга чиқиб, ҳосил мўл бўлсин дея фотиҳа ўқишиб, теримни бошлаб беришди.**

**«Дўстлик» жамоа хўжалигида яшовчи кексалар Тоғай Дуйсенкулов, Бўкен Мирзаалиев, Турдиқан Ўтепбоев, Абдураззоқ Шавлиев, Амал Алменқулов каби серҳиммат отахонлар пахтазорга чиқиб ёшларни унумли меҳнат қилишга даъват этмоқдалар.**

**Хўжалик раҳбарлари олижаноб отахонларнинг ташаббусини юксак қадрлаб, ташаккурлар айтиб, уларга кунига ош дамлаб беришаяпти. Улуғларнинг оқ фотиҳаси билан бошланган иш ҳамиша хайрли ва баракали бўлади. Шу боис туманда йиғим-терим суръати кундан кунга кўтарилмоқда.**

**А. ЭГАМҚУЛОВ олган сурат.**

## МЕХАНИЗАТОРГА ОШИРИЛГАН ҲАҚ

Ўрта Чирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг миришкор деҳқонлари жорий йилда 710 гектар ерда ғўза ўстириб, мўл ҳосил етиштиришди. Ҳозир далаларда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда.

Айни дамларда қўл теримида барча фаол қатнашиб, хирмонга муносиб ҳисса қўшмоқда. Куни кеча эса Турсунмат Божоқов, Мирзамурод Қосимбеков, Ўрмонали Тожиев, Сафар Сотволдиев, Қамбар Сафаров етакчилик қилаётган бригада заршунослари йиллик маррани забт этдилар.

Шунингдек, Марапат Фармонова, Шаҳодат Пирназарова, Ғайрат Эсонқулов, Гулсум Масодиқова, Одина Алимова, Зарипа Нурматова, Мавжуда Турдибоева сингари теримчиларнинг ҳар бири кунига 100-120 килограммдан жавоҳир териб хирмонга барака киритишаяпти.

Пўлат от суворийларидан Умар Мирзаев, Тўхтамурод Хайтанов, Жаҳай Арапов, Сафар Матқосимовлар мавсумда 120-150 тоннадан оқ олтин териб беришга аҳд қилишган.

Бу ерда мавсумда фаол иштирок этаётганлар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Қўлда терилган бир килограмм пахта учун 3,5 сўм, механизаторларга ҳар тоннасига 200 сўм ҳақ тўлаш режалаштирилган. Улар билан беш кунда ҳисоб-китоб қилиб борилаяпти.

— Жорий йилда ғўзани баргсизлантириш барвақт ўтказилганлиги машина теримини туманда биринчи бўлиб бошлашга имкон яратди, — дейди биз билан суҳбатда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Нуритдин Турғунов. — Ҳозир ҳар бир дақиқа ғанимат, буни яхши англаган пахтакорларимиз бутун кучни йиғим-теримга сафарбар этиб, суръатни тобора оширмоқдалар.

**Э. ҲАСАНОВ.**

## МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

**Далаларда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Тошкент вилояти Пискент туманида пахтакорларни моддий рағбатлантириш, терилган пахта учун ҳисоб-китобни бевосита далада амалга оширишга катта аҳамият берилмоқда. Йил бошида тумандаги тўққизта пахта етиштирувчи хўжаликка янги пахта ҳосили учун 122,5 миллион сўмдан кўпроқ пул аванс сифатида тарқатилганди. Маблағлардан оқилона фойдаланилгани боис, ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Кейинги икки беш кунликда қабул пунктларига қарийб уч минг тонна сифатли оқ олтин топширилгани буни яққол исботлаб турибди.**

**— Банкимиз қошида пахта штаби ишлаб турибди, — дейди «Пахтабанк» Пискент тумани бўлими бошқарувчиси Адҳам Нарзиқулов. — Хўжаликлар, пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктлари билан ҳисоб-китоб ҳар беш кунда қилинмоқда. Шу бугунга қадар уларга иш ҳақи сифатида қарийб олти миллион сўм тарқатилди. Деҳқонларимиз қанча кўп ҳосил топширса, шунча кўп даромад олади. Бунинг учун банкда пул маблағи етарли. Зарурат туғилса, бу ишларга банкнинг нақд пул тушумлари ҳам йўналтирилади. Мақсадимиз эса битта — у ҳам бўлса, деҳқонни етиштирган маҳсулоти самарасидан тўла баҳраманд этишдир.**

## ШИЙПОНДА САВДО

Наманган вилояти Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ойдин» автоклубининг фаолияти пахта йиғим-терими мавсумининг дастлабки кунлариданоқ авж олиб кетди.

Автоклуб вилоятнинг барча туманлари бўйлаб сафар қилмоқда, клуб аъзолари пахтакорлар ҳамда уларнинг кўнгилли ёрдамчиларининг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитлари билан танишмоқдалар.

Клуб аъзолари турли касб эгаларидан иборат. Улар пахтакорларга баҳоли қудрат ёрдам беришга ҳаракат қилишмоқда. Жойларда тиббий текшириш ташкил этилмоқда, вақтинчалик савдо дўконлари, маиший хизмат устахоналари очилмоқда.

Сув манбалари ва дала шийпонларининг санитария ҳолати текширилмоқда. «Ойдин» клуби аъзолари — ҳаваскор артистларнинг концертлари ҳам пахтакорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**(ЎзА).**

## БАЛИҚ ОВИ БАРОРИДАН КЕЛДИ

***«Қозоқдарёбалиқ» ҳиссадорлик жамияти балиқчилари учун бу йил ов бароридан келди. Улар йил бошидан буён қарийб 1500 центнер балиқ топшириб, «Қорақалпоқбалиқ» бирлашмаси жамоалари орасида биринчи бўлиб йиллик топшириқни бажарди. Зарур ов анжомлари ва техника билан таъминланган балиқчилар ички сув ҳавзалари ва кўллардан йил охиригача яна 250 центнер балиқ топшириш ниятидадирлар.***

## ЯНГИ ҲОСИЛ ЁҒИ

***«Фарғонаёғмой» ҳиссадорлик жамиятида янги ҳосил чигитидан дастлабки 200 тоннадан зиёд сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳиссадорлар бу йилги мавсумга ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрди. Эскириб қолган ускуналар янгилари билан алмаштирилди. Ишчи-хизматчилар учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилди.***

***— Бунинг учун 22 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Д.Маматқулов. — Корхонанинг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида диспетчерлик хизмати ташкил этилди. Тайёр маҳсулот сотиладиган «Савдо уйи» очилди.***

**(ЎзА).**

## ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНГА БОҒ ХАЗИНА

### *Тажриба, таҳлил, таклиф*

Кузда кеча-кундузги ўртача ҳарорат 10 даража ва ундан пасая бошлаши билан дарахт барглари сарғаяди. Мевали дарахтлар ва ток туплари аста-секин хордиқ даврига ўтади. Бу тўлиқ мураккаб биологик жараёнларнинг ўтишини бутунлай тўхтатмайди. Жараёнлар секин кечади. Куз фаслида давомли иссиқ кунлар, ёғингарчилик бўлиб туриши туфайли ўсимлик қишга тайёргарлик кўради, кузда ўтказилган агротехник тадбирлардан тўла баҳраманд бўлади.

Катта ёшдаги олма, нок, беҳи, олхўри каби дарахтлар бир неча йил кесилмай қолиб кетган бўлса, унда 2—3 йил мобайнида қисман зарурияти йўқ шохлари олиб ташланиб, туп сийраклаштирилиб борилади. Шундай қилинганда дарахт тагида катта ҳажмдаги яралар кўпаймай, борлари ўз-ўзидан битиб кетади. Бу ишни албатта тажрибали боғбонлар ўтказиши керак. Дарахт танасидаги яранинг кесилган ўрни сатҳи 2—3 см дан катта бўлса, албатта боғ бўёғи (сурик) билан бўяб қўйилиши лозим. Қиши қаттиқ ўтадиган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ёш ва ҳосилдор мева дарахтларини буташ, шакл бериш эрта баҳорда ўтказиш тавсия этилади. Совуққа чидамсиз бўлган гилос, шафтоли, хурмо, анор, анжир каби дарахтларга шакл бериш, буташ эрта баҳорда ўтказилади ва куртаклар бўртгунга қадар тамомланади.

Ҳа, боғбоннинг шу кунлардаги ҳаракати келгуси йил мўл ҳосилига берадиган баракотдир. Бунга ҳозирданоқ пухта замин қўйиш даркор. Кузнинг ҳар куни ғанимат. Эрта-индин аёзли кунлар бошланади. Бултур қиши совуқ келиб кучли шамол эсадиган, қор жуда кам ёғадиган ҳудудларда жойлашган хўжаликларда қишга кўмилмай қолган ток, анор, анжирзорлар совуққа чалинди. Боғ ва токзорларда каттагина ҳосил бой берилди. Натижада сердаромад соҳадан сезиларли зарар кўрилди.

Энди йўл қўйилган шу хатолардан сабоқ олиб кўзланган тадбирларни талаб даражасида амалга оширмоқ жоиз. Биринчи навбатда ток, анор, анжирни қишга кўмишни мақбул муддатларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Кузги технологик жараёнлар тўла ўтиши таъминланса, шубҳасиз 1998 йилда юртимизда янада тўкинлик бўлади.

Мутахассисларга яхши маълум, мўл ва сархил ҳосил берадиган боғ ва узумзорлар асосан суғориладиган вилоятларда барпо этилган. У ерларда боғдорчиликни ривожлантиришга шароит етарли. Бироқ йил давомида ҳаводан тушадиган намлик 350—400 мм. дан ошмайдиган жойларда юқори ҳосил етиштиришга етмайди. Шу боис боғ ва токзорларда вегетация даврида суғориш, тупроқда нам йиғиш тадбирларини кўриш зарур. Бу жойлар куз, қиш ойларида (ер ости сувлари чуқур жойлашган бўлса) суғорилиши керак.

Яхшидан боғ қолади, нақлига амал қилиб янги боғ ва токзорлар барпо этиш ҳам асосий вазифаларимиздан. Бунинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бу ишни амалга оширишга киришишда районлаштириш технологиясига риоя этиш даркор. Бунда серҳосил навларни жойлаштиришга эътиборни кучайтириш зарур.

Ноябрь ойидан мева кўчатларини экиш мавсуми бошланади. Шу даврдан бошлаб кўчатлар хатосига стандарт талабига жавоб берадиган бақувват, аввал экилган навдан келтириб экилади. Сўнг йил давомида хато ўринларга экилган кўчатларни алоҳида парваришлаб борилади.

Қишга кўмиладиган токзорларда куз фаслида ўтказиладиган муҳим ишлардан яна бири — токлар сентябрь ойининг иккинчи ярмидан то ноябрь ойигача буталади, шаклланади. Токзорларда бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Ток туплари кўмиладиган вилоятларда уларни ўз вақтида кесиб, керакли новдалар қолдириб, қўндоқлаб ерга тиғиз ётқизиб, тупроққа ток рўдаси ё қамиш билан яхшилаб кўмиш керак. Тупроқда нам етарли бўлмаса, албатта токзор суғорилади. Қиши юмшоқ (иссиқ) жойларда кўмилмайдиган токни кесиш, шакл бериш, эрта баҳорда вегетация (амал олиш) бошланиши олдиндан тугатилади.

Лалмикор, ярим лалмикор ҳудудлардаги боғ-токзорларда тупроқда нам йиғиш, уни сақлаш асосан куз, қиш, эрта баҳор ойларига тўғри келади. Шунга кўра боғ-токзорларда тупроқда етарли нам йиғиш, сақлаш учун кузда боғ-токзорларда қатор оралари камида 35—40 см.чуқурликда ҳайдалади, шудгорланади. Ҳайдашдан олдин ҳар гектар боғ-токзорга юқорида тавсия этилган меъёрда бир йўла органик минерал ўғит берилади, сўнг ер ҳайдалади. Туп атрофлари чопиб юмшатилади.

Қовус суви билан суғоришда, ер ўз вақтида, яхшилаб шудгорланса, ўғитланса, яхши натижа беради. Декабрдан то март ойигача 1—2 маротаба (ер ости суви 2—2,5 метрдан пастда жойлашган ерларда) қовус суви ариқлар орқали таралади. Тупроқнинг 1—1,5 метр қатлами нам билан яхши таъминланади. Ёз ойларида сув оз бўлган енгил, қумлоқ тупроқ қатламларида кўпроқ нам йиғиш мақсадида қишда сув беришни 2—3 маротаба ўтказиш, тўпланган намни сақлаш чорасини кўриб бориш тавсия этилади.

Одатда икки маротаба берилган қишки қовус суви ёз фаслида бериладиган битта суғориш ўрнини қоплайди. Қишки берилган сув, тупроқда сақланиб қолган зараркунанда ва касалликларнинг ғумбакларига қирон келтиради, ёзда бегона ўтларнинг ўсиши бирмунча камаяди. Субтропик ўсимликларни қирқиш ва уларга шакл бериш кўчат баҳорда ердан кўтариб очилгандан кейин ўтказилади.

Р.Р.Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси кўчатзорларида республика хўжаликлари, фермерлари ва ҳаваскор боғбонларнинг талабига жавоб берадиган 25 турдаги юртимизнинг ҳамма иқлим, тупроқ шароитларига мослаштирилган бир-икки яшарли олма, нок, беҳи, узум, анор, анжир, олхўри, гилос, олча, шафтоли, ёнғок, бодом каби мева кўчатлари етиштирилган. Бунинг учун жамоа хўжаликлари, фермерлар ҳозирданоқ талабномаларини юборишлари керак. Унда мева-узум кўчатларининг сони, хиллари, навлари, миқдори кўрсатилиши шарт. Талабномаларга асосан кўчатлар олдиндан тайёрланади ва тақсимланади.

Боғ-токзор ҳам бир кон. Унинг соя-салқинидан, тоза ҳавосидан баҳраманд бўлиб, ширин-шарбат мевасини тотиш учун астойдил меҳнат қилиш, соҳа фидойиси бўлиш талаб этилади. Шундагина у бойлигини сахийлик билан инъом этади. Шунинг учун ҳам боғни боқсанг боғ бўлур, йўқса юракка доғ бўлур, деган ота-боболаримиз.

**М.МИРЗАЕВ,**
**Р.Р.Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси раҳбари, академик.**

(Боши 1-бетда)

# КУНДУЗНИНГ ҚУЁШИ,

# ТУННИНГ ҲИЛОЛИ

Юртимизда Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов ишни инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишдан, одамларга ғамхўрлик кўрсатишдан бошлади. Айниқса, муҳтарама аёлларимизни асраш борасида бир қатор тадбирлар белгилаб, амалга оширилдики, бу чинакам адолатли жамиятга бораётганимиздан далолатдир. Мамлакатимизда дунёда биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, оналик ва болаликни муҳофаза этиш— йўлидаги ишлар, қолаверса, вилоят ва туманларда хотин-қизлар кенгашлари ишини ташкил этиш—жамиятда аёлнинг, оналарнинг тутган ўрни жуда қадрли эканлигини яққол намоён этади.

Дарҳақиқат, жаннат — оналар оёғи остидадир. Зеро, оналари эъзозланган, аёл қадри муқаддас тутилган элда жаннатий фароғат, эъзоз ва покизалик, инсонийлик ва эътиқод ҳукмрон булади.

Туманимизда айни дамда 150 минг аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, шунинг 76 минг нафари хотин-қизлардир. Улар орасида ўнлаб олий маълумотли ўқитувчилар, шифокорлар, алоқа ходимлари, савдо ва маиший хизмат фидойилари бор. Меҳнат фахрийлари Р. Шодиева, Турғуной Азизова, Марям Назарова, Баҳор Аннақулова ва бошқа ўнлаб онахонларимизнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар ўз меҳнатлари билан юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишлари билан бирга бизга доимий маслаҳатдош ва суянчиқдирлар.

Турмушда ва жамоатчилик орасида ўзига хос ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган аёлларимизни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, интилувчан хотин-қизларимизни қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароит яратиб бериш доимий диққат марказимизда. Роҳила Зарифжонова, Салима Яҳёева, Амина Жабборова, Шарофат Қушбоқова каби аёлларимиз ишда, турмушда ва фарзанд тарбиясидаги шахсий ибратлари туфайли Нодирабегим (Моҳларойим) номидаги вилоят мукофотининг совриндорлари бўлишди.

Ҳаммамизга маълумки, умуминсоний қадриятларни шакллантириш, ҳар бир ҳаётий ходисаларни тўғри идрок қилиш, аввало, оилада тарбияланиб борилади. Чунки, инсон аввало атрофидаги кишилар муҳитида ақлини танийди ва унда инсоний фазилатлар шаклланади. Шунинг учун ҳам оилада аёлнинг нуфузига тўғри баҳо бериш, уларнинг ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутишларини ҳамиша ҳисобга олиш керак бўлади. Шунга кўра, аввало, аёлларнинг маънавиятини юқори даражага кўтариш, оила маънавиятини бойитиш ҳозирги давр талабидир.

Жамиятимизнинг мустаҳкамлиги, келажаги — бола илк тарбияни оладиган оила тақдири билан боғлиқ.

Шу боис ҳам бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишдир. Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари бўлими томонидан амалий қўлланма сифатида юборилган «Вилоятда қизларни турмушга тайёрлаш», «Оила ва никоҳни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш» дастурлари асосида туманда қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, маҳалла ва қишлоқлардаги намунали оилаларни бошқаларга ўрнак сифатида тарғиб қилиш мақсадида «Энг намунали оила» кўрик-танловлари, қайнона-келин муносабатларини кўрсатувчи «Қайнонанг ҳам онанг» мавзусида суҳбатлар, узоқ йиллар тинч-тотув яшаган оилаларнинг кумуш ва олтин тўйларини кўргазмали қилиб ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Бундан ташқари, Иштихон шаҳри маҳаллалари ташаббуси билан ёш келинлар учун тўйларидан сўнг икки ҳафта ва уч ойдан кейин йўқлов ташкил этилган. Бу йўқловлардан мақсад янги келиннинг янги оилада ўзини қандай тутаётганлиги, қанақа муаммоларга дуч келганлиги, нималардан мамнуну, нималардан норози эканлиги тўғрисида билиш ва керакли маслаҳатлар бериб, муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўл кўрсатишдан иборат.

Қолаверса, аҳоли ўртасида аёл мавқеини ошириш, ўзаро ҳурмат- иззатни қарор топтириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш ишига назоратни кучайтириш, оилаларнинг мустаҳкамлигига эришиш хотин-қизлар қўмиталари ишининг бош бўғинидир. Туман ҳокимияти хотин-қизлар кенгаши бу борада ўз дастурига эга. Биз «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаяпмиз. Қариялар, ногиронлар, кам таъминланган болаларга ёрдам кўрсатиш борасида беминнат иш олиб бормоқдамиз.

Аёллар деярли барча қишлоқ врачлик амбулаторияларида гинекологлар назоратида сақланиб, ҳомиладор аёлларга ва уларнинг туғруқдан кейинги даврда саломатликларини тиклаш учун тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Туманимизнинг Митан қўрғонида янги туғруқхона биноси қурилиб, ишга туширилди. Айни кунда бу ерда ҳам аёлларга намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Туман ҳокимияти хотин-қизлар кенгаши қошида ташкил этилган «Саодат» клубига турли касб эгалари аъзо бўлишган, улар ўз иш дастурларига эгадирлар. Клуб аъзолари вақти-вақти билан хўжаликларда, меҳнат жамоаларида бўлишиб, суҳбатлар

## Тарбия, маънавият, маърифат

ўтказишади. Хотин-қизларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишда уларга бевосита ёрдам кўрсатишади. Тиббиёт билим юртида клуб аъзолари «Қиз бола одоби билан гўзал», Мурод Жўраев номли хўжаликда «Кундузнинг қуёши, туннинг ҳилоли, ўзингсан, мунисим Шарқнинг аёли», Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида «Оқила аёл», Луқмон Уроқов номли жамоа хўжалигида «Оила тинч — маҳалла тинч» мавзуларида учрашувлар ўтказдилар. Буларга аёллар бажонидил иштирок этишларини ҳамда ундан ғоятда кўтаринки кайфият олишларини кўрганингда, беихтиёр ўз ишингдан кўнглинг ўсади.

Шунингдек, кенгашимиз қошида «Ҳуқуқ ва аёл» уюшмаси ташкил этилди. Уюшмада жойларда хотин-қизлар масалалари бўйича вужудга келган муаммолар таҳлил қилинмоқда, уларни ҳал қилиш чоралари кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари оилани мустаҳкамлаш, фуқаролик ҳолатини қайд қилиш бўлими ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини кенгашлари билан ҳамкорликда аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам доимий иш олиб борилмоқда. Йигит-қизларга «Саломатлик маркази»мизда оила қуриш тўғрисида тушунтириш ишлари йўлга қўйилган. Бирлашган шифохона қошида қизлар гинекологи айнан ана шу соҳада иш олиб бораяпти.

Ёш оилаларни ҳисобга олиш, улар ўртасида одоб-ахлоқ, инсоф, эътиқод борасида тарғибот ишларини амалга оширишга аҳамият бериш — оилалар мустаҳкамлигини таъминлайди. Кенгашимиз вилоят хотин-қизлар қўмитасининг тавсияси билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ишлаб чиқилган «Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари ҳақида»ги фатвони тўла ўрганиб чиқди ва уни фуқаролар кенгашлари ҳамда хотин-қизлар кенгашлари ёрдами билан ёшлар, ёш оилалар ўртасида мукаммал тушунтирди. «Оилани ва никоҳни мустаҳкамлаш, оилани ижтимоий муҳофаза қилиш» дастурига кўра, ҳар бир маҳаллада оилалар осойишталигига эришиш учун алоҳида тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давримиз тезлик билан олға интилмоқда. Ҳар бир кунимиз ўзига хос жўшқинлик касб этаётир. Бу эса ўз-ўзидан ҳар биримизнинг ана шу жўшқин ҳаётга хос одим ташлаш, олға интилишни тақозо этади. Зеро, аёллари бокира, садоқатли, кўнгли пок бўлган жамиятнинг қадамлари ўктам, эртанги куни нурафшон, жаҳон майдонида ўз мавқеи ва овозига эга бўлади.

**Марҳабо ЛУҚМОНОВА,**
**Иштихон тумани хотин-қизлар кенгаши раисаси.**

# ЭЛ ЭҲТИРОМИ

Мустақил республикамизнинг келажак тараққиёти ёшларимизга боғлиқ. Бунга уларга замон талаблари асосида билим беришга азму қарор қилган устоз муаллимларимизнинг муносиб хизматларисиз эришиб бўлмайди, албатта. Юқори доираларда қабул қилинаётган қарорлар ва йўналишлар мураббий, ўқитувчиларнинг ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Хусусан, Чортоқ тумани илм даргоҳларида 1624 муаллим турли фанлардан истиқбол эгаларига сабоқ бераётир. Кези келганда, бу ерда таълим-тарбия касб-коридан қатъи назар барчанинг иши бўлиб қолганлигини таъкидлаш лозим. Чунончи туман мактабларини янги ўқув йилига тайёрлашда кўпгина корхона ва ташкилотлар яқиндан ёрдам бердилар. Жумладан, Навоий номли жамоа хўжалиги ўз ҳудудидаги 4-, 5-, 6-, 32-мактабларнинг таъмирига бир миллион сўм, Бобур номли жамоа хўжалиги 24-, 25-, 26, 27-, 39-мактаблар учун 400 минг сўм, Агрофирма автокорхонаси 200 минг сўм, Агрофирма савдо идораси 600 минг сўм маблағ ажратдилар.

Ҳозирги кунда «Пешкўрғон» жамоа хўжалиги ўз ҳудудида бунёд этилаётган 844 ўринли мактабга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Туманда бундай эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшаётган, моддий ва маънавий ёрдам бераётган саховатпешалар кўп. Туман халқ таълими бўлими мудири Абдуллажон Уринбоевнинг айтишича, оталиқ ташкилотлари билан баҳамжиҳат иш олиб бораётганликлари натижаси ўлароқ таълим-тарбия соҳасида дуруст натижаларга эришилмоқда.

Таълим тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилаётган муаллимлар нафақат ёшларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам ҳурматини қозонаётгани бежиз эмас. Ана шундай устозлардан 27-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Мавлудахон Норинова, 6-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган мураббий Одилжон Ҳамидов, 29-ўрта мактаб рус тили муаллимаси, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Мавлуда Умарова, 23-ўрта мактаб директори Билимхон Бағишева, 22-ҳамда 16-ўрта мактаб география ўқитувчилари Жамила Ғофурова, Яхшибек Сулаймонов, 33-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Абдуазиз Ҳожиев сингари маърифат жонкуярларининг номларини кўпчилик эҳтиром билан тилга олади. Яқинда Яхшибек Сулаймонов Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди.

**Эркин ТЎЛАГАНОВ,**
**»Қишлоқ ҳаёти» мухбири**






# ЮРТ ОБОД — КЎНГИЛЛАР ШОД

**Йилдан-йилга Сирдарё вилояти шаҳар ва қишлоқлари обод бўлиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятнинг қайси ерига борманг улкан қурилиш устидан чиқасиз.**

**Сирдарё вилоятида Мустақиллик байрами арафасида етмишдан ортиқ янги иншоот қуриб, фойдаланишга топширилди. Икки юз минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Гулистон шаҳрида 500 хонадон янги уйга кўчиб кирди.**

**Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашда катта ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Ховос туманида бу йил 90 километр ерга газ қувури тортилди.**

**Вилоятда аҳолига кўрсатилаётган хизмат турлари йилдан-йилга кўпаймоқда. 14 та бозор ва бир қанча гузарлар қад ростлади. Айни кунларда Мирзаобод туманида бунёд этилган, бир ярим гектар майдонни эгаллаган «Наврўз» деҳқон бозори харидорларга хизмат қилмоқда. Бозорнинг чор атрофига савдо дўконлари жойлашган бўлиб, харидор бир жойнинг ўзидан қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини харид қилиши мумкин.**

**Суратларда: «Наврўз» деҳқон бозорида.**

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ОТАНГДЕК УЛУҒ

**Юракдан чиқариб айтилган дуо,**
**Иншооллоҳ, бўлмиш ижобат, қутлуғ.**
**Ўғлим, оч қўлингни дуога, зеро,**
**Устоз — отангдек улуғ!**

**Майли, устозларинг бир дам олишсин,**
**Ҳаққи бордир бунга, ўғлим, уларнинг.**
**Устоздан ўзга йўқ ҳакам — холис, чин,**
**Уларсиз ким бўлардинг?!**

**Йўқдан бор, бордан йўқ бўлмас, бу — қонун,**
**Йиллар оша унгай урфоний уруғ.**
**Ўғлим, қутладингми, байрам-ку бу кун,**
**Устоз — отангдек улуғ!**

**Белбоққа тукканинг пулми ё билим,**
**Огоҳ бўл, пулда йўқ жигар сурати.**
**Йўқчилик... тўкчилик... нисбийдир, ўғлим,**
**Билимда бахт мурвати!**

**Ҳали кўп сипқоргунг, бу уммон чексиз,**
**Бахтингдан топганинг шу эмасми, шу!**
**Отамга отаси айтмаган бежиз:**
**Устоз — отангдек улуғ!**

**Зайниддин РИХСИЕВ.**


# КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯ

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Агар Сиз мулкдор бўлишни, бойлигингизга бойлик қўшилишини хоҳласангиз ва фарзандларингизнинг нурли келажагини таъминлашни истасангиз республика Кўчмас мулк биржаси билан ҳамкорлик қилинг.

***КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИДА ШУ КУНЛАРДА:***

— Уй-жой қуриш учун ер майдонлари;
— автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари;
— қурилиши тугалланмаган бинолар;
— банкротга учраган турли корхоналар;
— ўрта ва кичик корхоналар;
— савдо ва маиший хизмат шохобчалари;
— «Узмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси тасарруфидаги турли кўчмас мулклар;
—ҳар хил русумдаги, юк ва енгил автомобиллар;
— токзорлар, мевали боғлар;
— фойдаланилмаётган ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар;
— уй-жойлар.

***САВДОГА ҚЎЙИЛМОҚДА***

Сиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги кўчмас мулкларни, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган турли русумдаги техникалар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ***харид қилишингиз мумкин.***

Шунингдек, Кўчмас мулк биржасида «Узгўштсутсаноати» тасарруфидаги мамлакатимизнинг барча вилоятларида жойлашган чорвачилик мажмуалари, бўрдоқичилик ва гўшт етиштириш хўжаликлари, чўчқачилик фермаларини сотиш йўлга қўйилган.

Кўчмас мулк биржаси 1997 йилдан мамлакатимиздаги кўчмас мулкларнинг иккиламчи бозорига киришган. Агар Сиз, бирор мулкингизни сотмоқчи ёки харид қилмоқчи бўлсангиз Кўчмс мулк биржаси ишончли ҳамкорингиздир.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 8-уй.***
***Ўзбекистон Биржалар маркази биноси.***
***Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-79-62.***
***Факс: 136-15-32, 136-26-26.***
***Вилоятлардаги юртдошларимиз ҳар бир вилоят марказидаги Кўчмас мулк биржаси филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.***


## Юрган — дарё

# ИРОДА КУЧИ

Гуржистон илм-фан ва техника вазирлигининг янги ахборотлар технологиялари Бош бошқармасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган Жумбер Лежава тўрт йил илгари дунё бўйлаб велосипедда саёҳатга чиқмоқчи эканлигини баъзи бировлар эшитганда буни шунчаки ҳазил деб ўйлашганди.

Лекин бўлғуси сайёҳнинг аҳди қатъий эди. Белгиланган муддатда у ҳеч иккиланишсиз сафарга отланди. Мақсади курраи заминдаги 227 давлатга ташриф буюриб, 2001 йилнинг 1 январида она шаҳри Тбилисига қайтиш эди.

Шундан буён тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди. Лежава тиним билмай марраға дадил интилмоқда. Шу пайттача у 133 минг чақиримдан кўпроқ масофани босиб ўтди. Осиё, Австралия, Океания, Шимолий ва Марказий Америка мамлакатлари ортда қолди. Етти марта велосипедни алмаштиришга тўғри келди. Энг чидамлиси Таиландда ишлаб чиқарилган велосипед экан, у билан 37 минг километр йўлни босиб ўтди.

Қизиғи шундаки, энг мақталган техника дош беролмаётган саёҳат давомида 57 ёшли Лежава бирон марта ҳам жиддий хасталангани ёки толиққани йўқ. Турли-туман, гоҳида бир-бирига тўғри келмайдиган таомларни тановул қилишига қарамай соғлиғи бинойидек. «Бунинг боиси-ҳар куни кечқурун икки тилим саримсоқ пиёз ейман», — дейди саёҳ.

Жисмонан толиқмаётгани сабаби эса Ж. Лежава илгаритдан ашаддий спортчи эканлигидир. Зеро, бир пайтлар у соатига 5011 марта ва йилига тўрт миллион 800 минг марта ерга таяниб тирсагини букканн учун машҳур Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган эди. Бу машқни сайёҳ барчага мос ва фойдали деб билади.

— Бу машқ кўп вақтни олмайди. Алоҳида ускуналар ва шароитни тақозо этмайди. Айни чоғда қон айланиши ва босимини яхшилайди. Тананинг ҳимоявий қувватини орттиради, ҳар хил шамоллаш хасталикларининг олдини олади, мушакларни бақувват қилади, — дейди у.

Ҳақиқатан ҳам, жисмоний машқлар ёрдамида аввалдан пухта тобланганлик сайёҳга сафар давомида жуда асқотди. Чунончи, Деҳлидан йўлга отлангач, кетма-кет 23 кун давомида тўхтовсиз жала остида юришга тўғри келди. 26 даража совуқ ва рўпарадан эсаётган кучли изғирин шароитида Мўғилистондаги Гоби саҳросини кесиб ўтди.

1995 йили эса Австралияда дов-дарахтларни илдиз-пилдизи билан қўпориб кетаётган довул пайти велосипедини қучоқлаганича тўрт соат мобайнида ерга ёпишиб ётди. Олдинда яна қанақа синовлар бўлиши ёлғиз Тангри таологa аён. Зотан, мангу музликлар ўлкаси Антарктида қитъаси бўйлаб 1200 чақирим масофани босиб ўтишнинг ўзи бўладими?

Ўйлаб қаралса, бу инсон ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган синовлар олдида бизнинг кундалик ташвишларимиз шунчаки эрмак бўлиб туюлмайдими? Нега у ўзини бундай машаққатларга мубтало қилмоқда?

— Баъзи газеталарда мени шунчаки рекорд ўрнатиш учун йўлга отланган дейишмоқда, — дейди Ж. Лежава. — Ҳолбуки, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олишнинг бошқача осонроқ йўллари оз эмас. Менинг ниятим, ҳар қандай шароитта инсон дош бериши мумкинлиги, амалда унинг имкониятлари чексиз эканлигини исботлашдир.

Нима бўлганда ҳам ёши бир жойга бориб қолган, лекин матонати тенгсиз бу сайёҳга биз соғ-омон Тбилисига, невралари, оиласи дўсту ёронлари ҳузурига қайтиш насиб этишини тилаймиз.

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**

# АСРДАН ХАТЛАБ

**Японияда 100 ёшдан ошган кексалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айни пайтда уларнинг сони саккиз ярим мингтага етди. Шуниси қизиқки, юз ёшли кексаларнинг саксон фоизидан кўпроғи аёллар экан.**

**Мутахассисларнинг фикрича, яна икки йилдан кейин юз ёшдан ошганлар сони ўн мингтадан ошиши кутилмоқда.**

## От спорти

# УЧҚУР ЧАВАНДОЗЛАР

**Қирғизистонда от спорти бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой, Белгиядан келган 40 дан ортиқ чавандозлар беллашдилар. Беллашувда серқуёш республикамиздан тўққиз нафар тажрибали спортчи қатнашди.**

**Қизғин кураш остида ўтган бу от спортида Ўзбекистон терма командаси биринчи ўринни эгаллади. Қозоғистон чавандозлари иккинчи, қирғизистонликлар эса учинчи ўринни эгаллашди. Ўзбекистонлик чавандоз Александр Мартинов олтин, Сергей Имелев эса кумуш медал билан тақдирландилар. Ўзбекистонлик от спорти ғолиблари 1998 йилда Бангкокда бўладиган Осиё ўйинлари мусобақасида қатнашишга йўлланма олдилар.**

«Узмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси тизимидаги «Ташгорплодоовошпром»га қарашли 3-мева-сабзавот комбинатига тегишли 611886 дан 611895 рақамигача бўлган давлат квитанциялари, шунингдек, ушбу комбинат 3-омборхонасининг бурчакли тамғаси — штампы йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


## ҚОП СОТИЛАДИ!

«Эркинлик» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси ун, гуруч, пиёз, картошка, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини солишга мўлжалланган зиғир, каноп толасидан, пахта ип-газламасидан, газмолдан ҳамда полепрокелен (целофан-плёнка)дан тайёрланган янги ва бир марта ишлатилган

***ҚОПЛАРНИ СОТМОҚДА***

Харид қилинган қопларга маблағ ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

***Манзилгоҳ: Тошкент, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 110-уй.***
***Телефонлар: 91-08-90; 93-35-15.***




**● Пайн ва Пайн-Минтол —Жанубий Корея сигареталари.**


Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ
Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0658, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.